

**МУСТАМЛАКАЧИЛИКДАН ОЛДИНГИ ВА МУСТАМЛАКАЧИЛИК
ДАВРИДАГИ ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ
ТАРИХНАВИСЛИГИ**

Алишер Худайбердиевич Дониёров

Тарих фанлари доктори, профессор

Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Э-почта: doniyorov_alisher@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақола Қуйи Зарафшон воҳаси, хусусан, Бухоро шаҳри моддий маданияти тарихнавислигини мустамлакачиликдан олдинги ва мустамлакачилик даврида ўрганишга қаратилган. Тадқиқотда XVI-XIX асрларда Бухорога сафар қилган европалик саёҳатчилар, савдогарлар ва рус олимлари томонидан яратилган манбалар этнографик ва тарихий манба сифатида таҳлил қилинган. Мақолада Антони Женкинсон, Т.С. Бурнашев, Э. Меендорф, А. Бёрнс, Н. Хаников, А. Вамбери каби муаллифларнинг асарлари асосида шаҳар ҳаёти, ҳунармандчилик, савдо, миллий кийим-кечак ва маънавий ҳаётни тасвирлаш хусусиятлари кўриб чиқилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ушбу манбалар минтақанинг моддий маданияти тарихини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг баъзи хатолари ва ноаниқликларига қарамай, комплекс таҳлил объекти сифатида қабул қилиниши лозим.

Калим сўзлар: Бухоро, моддий маданият, тарихнавислик, этнографик манбалар, саёҳат тавсифлари, мустамлакачиликдан олдинги давр, ҳунармандчилик, миллий кийим-кечак, савдо, шаҳар ҳаёти, рус шарқшунослиги, Зарафшон воҳаси.

**THE HISTORIOGRAPHY OF THE MATERIAL CULTURE OF THE
LOWER ZARAFSHAN OASIS IN THE PRE-COLONIAL AND
COLONIAL PERIODS**

Alisher Khudaiberdievich Doniyorov

Doctor of Historical Sciences, Professor

Department of the History of Central Asian Peoples

Tashkent State University of Oriental Studies

E-mail: doniyorov_alisher@mail.ru

Abstract. This article is dedicated to the study of the material culture history of the Lower Zarafshan oasis, particularly the city of Bukhara, during the pre-colonial and colonial periods. The study analyses sources produced by European travellers, merchants, and Russian scholars who visited Bukhara during the 16th–19th centuries as ethnographic and historical evidence. The article examines Anthony Jenkinson, T.S. The characteristics of the depiction of urban life, crafts,

trade, national dress, and spiritual life are examined on the basis of the works of authors such as Anthony Jenkinson, T. S. Burnašev, E. Meyendorf, A. Burns, N. Khanikov, and A. Vambéry. The research findings indicate that these sources are of significant importance for reconstructing the history of the region's material culture and, despite some of their errors and inaccuracies, must be accepted as an object of complex analysis.

Keywords: *Bukhara, material culture, historiography, ethnographic sources, travel descriptions, pre-colonial period, handicrafts, national dress, trade, urban life, Russian Orientalism, Zarafshan oasis.*

ИСТОРИОГРАФИЯ МАТЕРИАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ ОАЗИСА НИЖНЕГО ЗАРАФШАНА В ДОКОЛОНИАЛЬНЫЙ И КОЛОНИАЛЬНЫЙ ПЕРИОДЫ

Алишер Худайбердиевич Дониёров

Доктор исторических наук, профессор

Кафедра истории народов Центральной Азии

Ташкентский государственный университет востоковедения

Электронная почта: doniyorov_alisher@mail.ru

Аннотация. *Данная статья посвящена изучению истории материальной культуры оазиса Нижнего Зарафшана, в частности города Бухары, в доколониальный и колониальный периоды. В работе в качестве этнографических и исторических свидетельств анализируются источники европейских путешественников, купцов и русских ученых, посетивших Бухару в XVI–XIX веках. В статье рассматриваются работы Энтони Дженкинсона, Т.С. На основе работ таких авторов, как Энтони Дженкинсон, Т. С. Бурнашев, Э. Мейендорф, А. Бернс, Н. Хаников и А. Вамбери, изучаются особенности описания городской жизни, ремесел, торговли, национального костюма и духовной жизни. Результаты исследования показывают, что эти источники имеют значительную важность для реконструкции истории материальной культуры региона и, несмотря на некоторые ошибки и неточности, должны рассматриваться как объект комплексного анализа.*

Ключевые слова: *Бухара, материальная культура, историография, этнографические источники, путевые описания, доколониальный период, ремесла, национальный костюм, торговля, городская жизнь, русский ориентализм, Зарафшанский оазис.*

КИРИШ

Зарафшон воҳаси моддий маданиятини ўрганиш кўплаб тадқиқотчиларнинг асосий тадқиқот объектларидан бири бўлиб келган. Халқимизнинг қадимий бой мероси саналган моддий маданият намуналарини

этнографик ва археологик нуқтаи назардан ўрганиш муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳамда ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Шаҳарсозлик анъаналарида ҳар бири алоҳида бўлган халқларнинг ўзига хос бўлган шакллари билан танишиш, умуман олганда, инсон жамиятининг тарихий тараққиёти қонуниятларини тушуниш жараёнларини чуқурлаштиради. Шарқ, хусусан, Марказий Осиё шаҳарлари жуда узоқ вақтдан бери тарих фанининг диққат марказида бўлиб келган. Ўрта Осиё шаҳарлари ва биринчи навбатда, ушбу минтақанинг энг йирик савдо ҳамда сийсий маркази ҳисобланган Бухоро ҳақида жуда кўп материаллар тўпланган. Ушбу материалларда шаҳарларнинг тавсифи, маданияти, аҳолининг этник хусусиятлари, касб-кори ва шаҳар ҳаётининг бир қатор бошқа масалалари ёритилган.

Бухоро шаҳрини мустамлакачиликдан олдинги ва мустамлакачилик даври тарихини ўрганишда европалик саёҳатчилар ва савдогарлар, рус олимлари ҳамда жамоат арбоблари муҳим роль ўйнаган. Бу эса ўз навбатида, нафақат Россияда, қолаверса, чет мамлакатларда ҳам юқори баҳоланди¹. Ўрта Осиё ва унинг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган Бухоро ҳақидаги маълумотлар, биринчи навбатда, у ёки бу сабабларга кўра у ерга келган одамлардан олинган. Улар қолдирган тавсифлар Европа илм-фанини мамлакатга танитди ва уни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Ушбу турга мансуб биринчи асар 1558 йилда Москвадан Бухорога саёҳат қилган инглиз савдогари Антони Женкинсоннинг кундаликларида акс этган². Мазкур асарда Бухоро шаҳри, ундаги савдо-сотик муносабатлари ва у ерга олиб келинган ёки олиб чиқилаётган товарлар ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд³. Ушбу сайёҳ бу ердаги товарлар фаолияти билан қизиқиб, матоларнинг қизиқарли тавсифларини қолдирган, лекин маҳаллий кийим-кечаклар ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаган⁴.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот тарихшунослик, этнография ва манбашунослик усуллариининг интеграциясига асосланган. Асосий метод сифатида тарихий-манбашунослик таҳлили қўлланилди, бу доирасида ХВИ-ХИХ асрларда Бухорога сафар қилган европалик ва рус муаллифларининг кундаликлари, хотиралари, монографиялари ҳамда мамлакат ҳақидаги батафсил тавсифлари тарихий манба сифатида ўрганилди. Манбаларнинг ички танқиди амалга оширилиб, муаллифларнинг кузатувлари, шахсий тажрибалари ва илмий сифатлари баҳоланди.

¹ Сухарева О. А. Бухара конца XIX – начала XX вв. (Позднефеодальный город). – М.: Наука, 1966. – С. 3.

² Путешествие господина Антония Дженкинсона из города Москвы в Россию до города Бухары в Бактрии в 1558 г., описанное им самим для лондонских купцов Московской компании / Сборник “Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. – Л., 1932.

³ Сухарева О. А. Бухара конца XIX – начала XX вв.... – С. 4.

⁴ Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию / В кн. “Английские путешественники в Московском государстве в XVI в”. – Л.: ОГИЗ, 1932. – С. 193.

Таҳлил жараёнида қиёсий-таҳлилий усулдан фойдаланилди, бу турли даврларда ва турли шароитларда ёзилган манбаларни солиштириш орқали Бухоро моддий маданияти ҳақидаги маълумотларнинг узлуксизлигини ва ўзгаришларини аниқлашга имкон берди. Шунингдек, этнографик таҳлил усули орқали манбаларда акс этган кийим-кечак, тақинчоқлар, хунармандчилик буюмлари, савдо объектлари ва шаҳар муҳитининг тасвирлари ажратиб олинди.

Тадқиқот предмети — мустамлакачиликдан олдинги ва мустамлакачилик даврида Қуйи Зарафшон воҳасининг (асосан Бухоро шаҳрининг) моддий маданияти; тадқиқот объекти — ушбу даврга тегишли тарихий-этнографик манбалар мажмуи. Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, мавжуд манбалар комплекс тарихий-этнографик таҳлил орқали ўрганилиб, уларнинг минтақа моддий маданияти тарихини ёритишдаги имкониятлари ва чегаролари аниқ белгилаб олинди.

МУҲОКАМА

XVIII асрда Россия ва Ўрта Осиё ўртасида яқинроқ алоқалар ўрнатилгач, кўплаб руслар минтақамизга кириб кела бошлаган. Улардан орасида Филипп Ефремов ва Филипп Назаровлар ўзларининг хотираларини ёзиб қолдирган⁵. Ушбу хотираларда Марказий Осиё халқлари либосининг баъзи тафсилотлари ҳам акс этган. Бундан ташқари, Бухорода ипак қурти боқиш ва ипак матолар ишлаб чиқариш жараёни маҳаллий кийим-кечаклар тарихи учун ўта муҳим маълумотлар келтирганлиги муаллифнинг юқоридаги ҳолатларни ўз кўзи билан кўрганлигидан далолат беради⁶.

XVIII аср охири, айниқса, XIX аср бошларидан бошлаб Россиянинг Ўрта Осиё билан алоқаларининг тикланиши ва бунинг натижасида нафақат Россия, балки Ғарбий Осиёда ҳам хонлик ва унинг пойтахти ҳисобланган Бухоро шаҳри тўғрисида қизиқишни уйғотди. Агар илгари ушбу маълумотлар бу ерга келган одамлардан олинган бўлса, XVIII аср охири – XIX аср бошларида Бухоро тарихини ўрганиш асосий илмий тадқиқот мавзусига айланди. Бухоро тарихини ўрганишга мутахассислар – шарқшунослар ёки юқори малакали амалдорлар ва дипломатик миссияларда қатнашган ҳарбий хизматчилар кириб келган.

XVIII аср охирида Т.С.Бурнашев ўз эсадикларида сержант А.С.Безносиков ҳамроҳлигида “Сибирь маҳаллий ҳокимиятлари” томонидан Ўрта Осиёга юборилганлиги ҳақида маълумот берган эди. 1818 йилдаёқ унинг ёзувларидан сараланган парчалар Г.Спасский томонидан нашр этилди⁷. У Бухоро тарихини ўрганиш билан жиддий шуғулланган ва 1825

⁵ Ефремов Ф. Десятилетнее странствование. – М.: Географиз, 1950; Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – М.: Наука, 1968.

⁶ Сухарева О. А. Вопросы изучения костюма народов Средней Азии / Сборник “Костюм народов Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 4.

⁷ Путешествие от сибирской линии до города Бухары в 1794 и обратно в 1795 г. // Сибирский вестник. – 1818. Ч. 1.

йилда бу ҳақда алоҳида асар ҳам нашр эттирган. Мазкур асарнинг муқаддимасида қайд этилганидек, жойида тўпланган маълумотлар асосида “Буюк Бухоронинг энг янги тавсифи”ни жуда батафсил ёзилган”⁸.

Қимматли ва жуда батафсил илмий материаллар 1820 йилда Бухорога ташриф буюрган Пруссия миссияси раҳбари Негри томонидан тўпланган ҳамда унинг таркибида бўлган учта иштирокчиси ўз кузатувларини эълон қилган⁹. Айниқса, улар орасида “илмий ишлар бошлиғи” Мейендорф томонидан ёзилган монография муҳим аҳамиятга эга бўлиб¹⁰, унда шаҳарнинг ўша даврдаги тавсифи, аҳолиси, савдо ва шаҳарсозлик маданияти, амалдорлари, маъмурий бўлиниши ҳамда кундалик ҳаёти тавсифи, урф-одатлари, миллий кийимлари, ислом динининг фуқаролар ва мамлакат ҳаётидаги ўрни, кўшиннинг ташкил этилиши ҳамла бошқа жиҳатлари ҳақида хайратланарли даражада батафсил баён этилган¹¹. Э.Мейендорфнинг хабар беришича¹², бухоролик аёллар ўзларини яширадиган даражада кийинишга ҳаракат қилган.

Миссиянинг яна бир иштирокчиси ҳисобланган таржимон П.Яковлев Бухоро ва Хива учун чизган режаларидан ташқари иккита мақола ҳам ёзган эди¹³. О.А.Сухарева ушбу ҳолатни шундай таъкидлаган эди: “П.Яковлев мақолани баъзи нотўғри маълумотлар учун танқид қилиб, шу билан бирга, ёлғон баёнотларни ҳам беради. 1820 йилга келиб эса руҳоний Будриннинг кузатишлари анчагина кенгайди. У томонидан чоп этилган мақоланинг ҳажми кичик бўлишига қарамай, Бухорони шундай эрта даврда ўз кўзи билан кузатган ва анкета орқали маълумот тўплаш имконига эга бўлган шахс томонидан тўпланган жуда фойдали материаллар ўрин олган¹⁴.

Негри миссияси билан бир вақтда Бухорога Эдуард Эверсманн ташриф буюрган ва у ҳам Э.Мейендорф билан бир хил ном остида немис тилида саёҳат тавсифини нашр этди¹⁵. Э.Мейендорф асаридан уч йил олдин нашр этилган Эверсманннинг китоби XIX аср ўрталарида яшаган муаллифлардан бирининг фикрича, Мейендорф китобидек кадрга эга бўлмаса-да, Европада Бухоро ҳақидаги биринчи батафсил асар сифатида шуҳрат қозонган. Бироқ, бу ишнинг илмий аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Э.Эверсманн шаҳарни батафсил тасвирлайди, хайрия ташкилотлари ва руҳонийларнинг вақфлардан тушган даромадлари ҳақида қимматли маълумотлар беради, Бухоро бозорини таърифлайди ва бу борадаги катта билимга эга бўлган ҳолда, аёллар

⁸ Азиатский вестник. – 1825. – №1–6.

⁹ Сухарева О. А. Бухара – конца XIX – начала XX в.... – С. 5.

¹⁰ Var. Meyendorff, Voyage d’Orenburg a Bukhara fait en 1820. – Paris, 1826.

¹¹ Сухарева О. А. Бухара – конца XIX – начала XX вв.... – С. 6.

¹² Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С. 147–148.

¹³ Яковлев П. Л. Очерки путешествия – Благонамеренный. – СПб., 1824. – Вып. XXI; Ўша муаллиф: Замечания на факты. Некоторые сведения о Бухарии, напечатанные в “Отечественных записках” г. // Сибирский вестник. – СПб., 1824. Ч. 1. – С. 50–52.

¹⁴ Русские в Бухаре в 1820 г. (записки очевидца) // Оренбургские ведомости. – 1870. – №24, 25, 26, 28, 30, 31; Справочная книжка Оренбургского края на 1871 г.

¹⁵ Ed. Eversman. Reise von Orenburg nach Bukhara. –Berlin, 1823.

тақинчоқлари учун ишлатиладиган қимматбаҳо тошлар савдосини батафсил баён қилади. О.А.Сухареванинг сўзларига кўра, савдо ҳақидаги маълумотлари ишнинг энг қимматли қисмидир.

XIX асрнинг 30-йилларида англиялик А.Бёрнс Бухорога ташриф буюрган эди¹⁶. Унинг китоби Бухорони ўрганишда катта роль ўйнаган ва XIX аср бошларида Ўрта Осиёга оид асосий манбалардан бири ҳисобланади¹⁷. Мазкур элчи ўзбек миллий либосининг ажралмас аксессуарлари бўлган баланд пошналар этиклар ва аёлларнинг “катта оқ салла”ларини алоҳида қайд этади¹⁸. Кўпгина олимларнинг фикрига кўра¹⁹, А.Бёрнснинг тадқиқотлари камчилик ва ноаниқликлардан ҳам ҳоли эмас.

Масалан, Н.Хаников А.Бёрнснинг шаҳарда қабристонларнинг йўқлиги ҳақидаги баёнотидан ҳайратда қолган. Ўзингизга маълумки, қабристонлар мусулмон маданиятининг таркибий қисми бўлиб, улар инқилобдан олдинги Бухорода катта ўрин эгаллаган²⁰. XIX аср ўрталарида яшаган рус шарқшуносларидан бири ҳам А.Бёрнс ижоди ҳақида кескин фикрлар билдирган эди. Ўз таъбири билан айтганда, “Бёрнснинг Раҳимбек ҳақида айтганлари – соф, ҳеч нарсага асосланмаган, сафсата”; лекин “хоҳлаганлар кушбегидаги узун суҳбатлар ҳақида ўқий олиши”да В. Григорьев “ўзига ҳос ҳеч нарса топа олмайди”²¹.

О.А.Сухареванинг сўзларига кўра, “Бёрнс томонидан тақдим этилган маълумотларда, гарчи улар шахсий кузатиш орқали тўпланган бўлса-да, кўплаб ноаниқликлар мавжуд бўлиб, улар саёҳатчининг етарлича кузатуви ва тушунчаси йўқлигидан далолат беради. А.Бёрнс келтирган рақамлар мутлақо ишончсиздир, қоида тариқасида, улар жуда катта бўрттириб кўрсатилган, масалан, шаҳар аҳолиси ҳамда мадрасалар сони ва ҳоказолар. Албатта, ушбу камчиликлар А.Бёрнс асарининг аҳамиятини бутунлай инкор этмайди, лекин унинг маълумотларига эҳтиёткорлик билан ёндашиш кераклигини кўрсатади²².

1833–1834 йилларда Бухорода “рус хизматида бўлган мусулмон, татар мулла Жаъфар, франсуз П.И.Демезон ниқоби остида пайдо бўлди”²³. “Бухоро 1835 йилда” мақоласи муаллифи П.И.Демезон материалларини “Мовароуннаҳрнинг ҳозирги ҳолатини кўп ёритишга қодир” деб таъкидлайди²⁴. П.Савелев бу ерга ўзи ташриф буюрмаган, балки мавжуд босма ва архив материалларидан фойдаланган. Унинг мақоласи, хусусан,

¹⁶ Burns Alexander. Travels into Bokhara. – London, 1839.

¹⁷ Сухарева О. А. Бухара – конца XIX – начала XX вв.... – С. 7.

¹⁸ Борнс А. Путешествие в Бухару. – М., 1848–1849. Ч. III. – С. 393, 410.

¹⁹ Сухарева О. А. Вопросы изучения костюма народов Средней Азии / Сборник “Костюм народов Средней Азии”. – М.: Наука, 1979. – С. 4.

²⁰ Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 92.

²¹ Григорьев В. Записки Мирзы Шемса Бухари / Ученые записки Казанского университета. – Казань, 1861. – С. 93.

²² Сухарева О. А. Бухара – конца XIX – начала XX вв..... – С. 7.

²³ Чабров Г. Н. Поездка в Бухару переводчика П. И. Демезона (1833–1834 гг.) // Труды САГУ. – Ташкент, 1957. – Вып. XCIV.

²⁴ Савельев П. Бухара – в 1835 г. – СПб., 1836.

“Бухоро ҳақида маъруза қилган олимлар” сарлавҳаси остида Бухорога оид адабиётларнинг илк шарҳи келтирилган²⁵.

1836 йилда Виткевич ниҳоят Бухорога етиб келди, у 1833 йилда "ишончсизлик туфайли" саёҳат қилишдан бош тортган ва унинг ўрнига П.И.Демезон юборилган эди²⁶. Улар “Оренбург сафидаги 10-сонли батальонида прапоршик Виткевичнинг Бухорога сафари ва орқага қайтиши ҳақидаги ҳикоялари бўйича тузилган эслатма” асарини қолдирди. Ушбу ҳужжатдан парчалар М.Соловёвнинг мақоласида ҳам эълон қилинган²⁷.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бухоро тарихини ўрганишдаги навбатдаги муҳим қадам – Н.Хаников ва А.Леманларнинг 1841 йилда Бухорога сафари бўлган эди. Н.Ханиковнинг “Бухоро хонлиги тавсифи” асари шубҳасиз, мазкур қадимий шаҳарни фақатгина XIX асрнинг биринчи ярмида эмас, балки бутун инқилобдан олдинги давр мобайнидаги тарихи билан шахсан танишиш асосида ўрганишга оид энг қимматли манбадир²⁸. О.А.Сухарева ўз ишидаги муҳим бўшлиқ, унда Бухоро хунармандчилиги ҳақидаги маълумотнинг йўқлиги, деб ҳисоблаган эди. Асар муаллифи эндигина 19 ёшда эди, лекин унинг энг хилма-хил, пухта ва виждонан тўпланган кўплаб материалларни ўз ичига олган батафсил монографияси Бухоро ҳақидаги энг тўлиқ ва ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ушбу муаллифнинг кам одамларга таниш бўлган иккинчи асари – Марказий Осиё шаҳарларининг ички ҳаётини ўрганишга қаратилган кичик мақоласи ҳам ўзига яраша қизиқ. Мазкур мақола асосан, Бухорода тўпланган материаллар асосида ёзилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир²⁹. Ушбу экспедициянинг иккинчи аъзоси Александр Леман ўзининг тилида ёзган “Саёҳат” асарида ёзувчи шаҳар ҳаётининг кўплаб жабҳаларини қамраб олишга эришган³⁰: У шаҳардаги мадраса таълим тизими, аҳолининг анъанавий тўй ва дафн маросимлари ҳамда халқ таъбиқатини тасвирлаб берган эди.

Ушбу ишлардан кейин Бухоро тарихини ўрганишда бироз танаффус юзага келди. Фақатгина 1858 йилда полковник Игнатъевнинг рус миссияси таркибида Бухорога ташрифи натижасида³¹ шаҳар тарихи асосан, ҳарбий

²⁵ Сухарева О. А. Бухара – конца XIX – начала XX вв.... – С. 7.

²⁶ Чабров Г. Н, Поездка в Бухару переводчика П. И. Демезона (1833–1834 гг.)... – С. 111.

²⁷ Соловьев М. Экспедиция в Бухару в 1841–1842 гг. при участии натуралиста А. Лемана. – М–Л., 1936. – С. 78–81.

²⁸ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843.

²⁹ Ханыков Н. Городское управление в Средней Азии // Журнал Министерства иностранных дел. – 1844. – Книга 5.

³⁰ Alexander Lehman, Reise von Orenburg nach Bukhara, – Petersburg, 1842, Была опубликована заметка “О трудах Лемана в связи с работами других исследователей Оренбургского края и соседних с ним стран Азии / Географические известия”. – СПб., 1850. Соловьев М. Экспедиция в Бухару в 1841–1842 гг. при участии натуралиста А. Лемана. – М–Л., 1936

³¹ Залесов Г, Посольство в Бухару полковника Игнатъева в 1858 г. // Русский вестник. – 1871. Т. 91. – №2–3 Игнатъев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. флигель-адъютанта полковника Н. Игнатъева. – СПб., 1897.

ишлар ва юришларни ташкил этиш ҳамда бошқа масалаларга бағишланган ҳолда қайтадан тадқиқ қилинди.

Беш йил ўтгач, янги маълумотлар венгр шарқшуноси А.Вамберининг кузатишлари нашр этилиб, улар илмий жихатдан муомалага киритилди³². Ўзини араб қиёфасида кўрсатган А.Вамбери савдо қарвони билан Бухорога келади. Кейинчалик у эсон-омон қайтиб келиб, ўз кузатишларини китоб ва бир қанча мақолалар ҳолида нашр эттирди. Бироқ, кейинчалик В.В.Бартольд “бу илмий жасорат” сезиларли натижаларни бермади, деб ҳисоблаган эди.

О.А.Сухарева В.В.Бартольднинг “Оғир ва адолатсиз” жумласини ҳисобга олиб, А. Вамберининг кузатувлари ўтказилган жуда қулай шароитларни инобатга олган ҳолда, ажойиб натижаларни кутиш мумкинлигини таъкидлайди³³, аммо А.Вамберининг шаҳар, унинг хунармандчилиги, савдоси, аҳолиси, мадрасалар, талабалар ва уларнинг даромадлари ҳамда қулдорлик ҳақидаги маълумотлари батафсил ва ишончли. Унинг маълумотларига кўра, А.Вамбери Бухородан кўплаб қўлёмалар³⁴, хусусан, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” каби қимматли асарини олиб кетган эди³⁵.

1864 йилда нашр этилган А.Вамберининг “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” китоби деярли барча Европа тилларига таржима қилинган эди. Ушбу китобнинг биринчи рус тилига таржимаси (баъзи қисқартиришлар билан) 1865 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган³⁶. Кейин ушбу асар Москвада бир хил қисқартирилган нашрда икки марта (1867 ва 1874 йилларда) қайтадан нашр этилган эди.

2003 йилда А.Вамберининг ушбу асари В. А. Ромодин томонидан қайтадан ишланган. Унинг қайд этишича, А. Вамберининг қайдлари айрим камчиликлар ва хатолардан холи эмас эди. Танқидчилар саёҳатчини тақдимотнинг қисқалиги, у кўрган мамлакатлар ва халқлар ҳикоясида муҳим тафсилотлар йўқлиги учун қоралаган эди³⁷. Муаллиф кейинчалик Ўрта Осиёга қилган саёҳатига махсус қўшимчаларида ушбу камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилган эди³⁸. А.Вамберининг саёҳат тавсифининг рус тилига янги таржимаси унинг иккинчи немисча нашридан қилинган

³² Сухарева О. А. Бухара – конца XIX – начала XX вв.... – С. 9.

³³ Бартольд В. В. История изучения Востока в Европе и в России. – Л., 1925. – С. 225.

³⁴ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865; Очерки Средней Азии. – М., 1868; Очерк жизни в Бухаре. Палатка и ее обитатели // Литературная библиотека. – 1866. – №1–2.

³⁵ Сухарева О. А. Бухара – конца XIX – начала XX вв.... – С. 10.

³⁶ Путешествие по Средней Азии. Описание поездки из Тегерана через Туркменскую степь по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, совершенный в 1863 году Арминием Вамбери, членом Венгерской Академии. С картой Средней Азии / Перевод с английского. – СПб., 1865.

³⁷ Прдисл. В.А Ромодина Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – С. 301-303. Известия Русского Географического общества. IV. – СПб., 1868. – С. 305–308; Голубов Г. Под чужим именем // Вокруг света. – М., 1955. – №10. – С. 27–32; Дьяконов М. А. Путешествие в Среднюю Азию от древнейших времен до наших дней. – Л., 1932.

³⁸ Вамбери А. Очерки Средней Азии (Прибавления к “Путешествию по Средней Азии”). – М., 1868; Vambery H. Sketches of Central Asia. – L., 1868.

бўлиб³⁹, биринчи инглизча нашри (1864)дан фарқи шунда эдики, китоб муаллифнинг ўзи томонидан тўлдирилиб, такомиллаштирилган ва тузатилган.

Иккинчи нашрда А.Вамберининг 1863 йилда Ўрта Осиёга қилган саёҳати ҳақидаги маълумотларини аниқлаштириш ва тўлдириш учун фойдаланилган баъзи тарихий-географик материаллар киритилган. Хусусан, у Фарғона водийсига оид таққослаш учун 70-йилларда немис тилида чоп этилган В.Радлов мақоласидан олинган маълумотларни келтирган⁴⁰.

Янги таржимага эҳтиёж А.Вамберининг саёҳат тавсифининг биринчи русча нашри 1865 йилда нашр этилганлиги билан ҳам изоҳланади. Узоқ вақт давомида библиографик нодир нарсага айланган ушбу таржима инглиз тилидаги биринчи нашрдан ҳам қисқартирилган шаклда чоп этилган. Табиийки, у замонавий ўқувчини қониқтира олмайди.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда янги мулоҳазалар бериш, муаллиф матни ва унинг матнини тушунишга тегишли тузатишлар киритиш имконини берувчи бой географик, тарихий, этнографик ва филологик материаллар тўпланган. Ушбу таржиманинг нашр этилишига 1865 йилдаги нашрда йўл қўйилган ноаниқлик ва хатоларни тузатиш зарурати ҳам сабаб бўлган эди. Асар сўнггида ҳам географик номлар, ўзига хос исмлар ва Шарқ атамаларининг нотўғри ёзилиш ҳолатлари мавжуд. Биринчи хато сифатида “Сетаре-и собҳ” (Тонг юлдузи) ўрнига “Ситаре-и субғ”, “дарвоза ўрнига “дарвоза”, “Гофиз” ўрнига “Ҳофиз” ва ҳоказо⁴¹.

А.Вамберининг қўйи Зарафшон халқлари тарихи ва этнографиясини ўрганишга қўшган ҳиссаси ҳақида фикр юритилар экан, муаллиф ушбу мавзуда бой маълумотлар қолдирганлигини таъкидлаш жоиз. Аммо, унинг асарида аҳолининг географияси, иқлими, сиёсий ва ижтимоий ҳаётини тавсифловчи маълумотлар ҳам мавжуд. Албатта, А. Вамбери Ўрта Осиё халқларининг этник таркиби ва этнографияси (хусусан, деҳқончилик ҳамда чорвачилик ҳақида) тўғрисида маълумот қолдирган, аммо этнографик хусусиятга эга бўлган моддий маданият ҳақида жуда кам, деярли ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас.

Бироқ, Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олинанишидан аввал ҳам Бухоро тарихига оид адабиётлар ушбу асарлар билан чекланиб қолмади. Мазкур даврда Бухоро тарихи ҳақида турли материаллар ва манбалар асосида жуда кўп асарлар яратилганлиги айтилиши ҳақиқат. Уларнинг Бухоро тарихи ҳақидаги мақолалари “Современник” ва “Отечественные записки”, “Вестник Европы”, “Северная пчела” каби

³⁹ Reise in Mittelasien von Teheran durch die Turkmanische Wüste an der Ostküste des Kaspischen Meeres nach Chiwa, Bochara und Samarkand von Hermann Vambery, ordentl. Professor der orientalischen Sprachen an der königl. Universität zu Pest. Mit zwölf Abbildungen in Holzschnitt und einer lithographierten Karte. Deutsche Originalausgabe. Zweite vermehrte und verbesserte Auflage. Lpz., 1873.

⁴⁰ Позднее эта статья вышла на русском языке Радлов В. В. Средняя Зерафшанская долина. Записки Русского Географического общества по отделу этнографии. Т. VI. – СПб., 1880. – С. 1–92.

⁴¹ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М. Восточная литература, 2003. – С. 9.

журналларда чоп этилган⁴². “Осиё хабарномаси”, “Сибирь хабарномаси”, “Осиё журналы (1818–1826)” каби нашрларда турли мавзуларда кўплаб мақолалар чоп этилган⁴³. Бухорога оид у ёки бу тарзда мақолалар, эслатмалар ва алоҳида китоблар XIX аср ўрталарига келиб анчагина кўпайди. Асосан, уларнинг барчаси тадқиқотчилар томонидан рус тилида, баъзан Россия хизматида бўлган чет элликлар томонидан ёзилган⁴⁴.

XIX асрнинг ўрталарида Бухоро тарихига оид жуда кўп материаллар тўпланиб қолган эдики, уларни махсус хулоса қилиб, умумлаштиришга тўғри келди. 1835 йилда П.Савелев бошлаган ушбу ишни В.В.Завялов давом эттириб, мазкур масала бўйича иккита батафсил мақола эълон қилди.

XIX асрнинг 50–60-йилларига келганда нашрларнинг сезиларли сони камаяди. Уларнинг аксариятида кенг китобхонлар учун мўлжалланган, аммо илмий характердаги асарлар ҳам мавжуд эди. Улардан бири В.В.Завяловнинг юқорида номлари қайд этилган тарихшуносликка оид асарларидир. Ўз ўрнида шуни қайд этиш керакки, Бухородаги савдо масалаларини ёритган жуда кўп мақолалар ҳам айнан ушбу даврга тегишли бўлиб, булар орасида П.Небольсин⁴⁵ ва В.Долинский⁴⁶нинг асарлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, П.Небольсин ўз асарида ҳажман қисқача, аммо кийим-кечак тарихи учун жуда қизиқ бўлган хивалик, бухоролик ва қўқонликларнинг либослари ҳамда маҳаллий матолар ҳақида маълумот беради⁴⁷.

ХУЛОСА

Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олинб, Бухоро вассал давлатга айлантирилгач, рус тадқиқотчилари ушбу ҳудудга эркин кириб, унинг ҳаётини хавф остида қолмаган ҳолда ҳар томонлама кузатиш имконига эга бўлгач, кенг қамровли адабиёт пайдо бўлди. Даставвал Бухоро хонлигига саёҳатларнинг кўплаб таърифлари ва алоҳида масалаларга бағишланган кўплаб мақолалар эълон қилинди⁴⁸, сўнгра бирлаштирилган асарлар пайдо бўлди. Улар орасида Н.А.Маевнинг “Бухоро хонлигининг

⁴² Некоторые сведения о Бухарии // Отечественные записки. – СПб., 1821. Ч. 5–7; Вести от русских из Бухары; Вестник Европы. – 1821. – №8; Северная пчела. – 1835. – С. 274–300.

⁴³ Демезон П. И. Таковы были Александр Леман, Юлиус Клапрот – ученый лингвист, работавший в России в 20-х годах XIX в. – СПб., 1856. – 125 с.

⁴⁴ Завьялов В. В. Об источниках и пособиях для изучения Оренбургского края и посредственных земель Средней Азии // Оренбургские губернские ведомости. – 1853. – №1; Исторический обзор путешествия в Бухарию // Оренбургские губернские ведомости. – 1854. – №20.

⁴⁵ Небольсин П. И. Очерки торговли России со Средней Азией / Записки РГО (Русского географического общества). Кн. X. – 1865; Ценность разных товаров в Бухаре // Санкт-Петербургские ведомости. – СПб., 1850; Заметки о Бухаре и ее торговле с Россией // Современник. – 1864. – №XI–XII.

⁴⁶ Долинский В. О торговле с Бухарой // Наше время. – 1860. – №21; О торговле Бухары // Восток. – 1866. – №21.

⁴⁷ Небольсин П. И. Очерки торговли России со странами Средней Азии. – СПб., 1856. – С. 9–10, 13.

⁴⁸ Костенко Л. Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. – СПб., 1871; Петровский Н. Моя поездка в Бухару // Вестник Европы. – 1873. ТП; Яворский И. Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878–1879 гг. – СПб., 1882; Крестовский В. В гостях у эмира бухарского // Русский вестник. – СПб., 1870. – №2–8; Ўша муаллиф: Торговля невольниками в Бухаре // Сын отечества. – 1873. – №63; Панкратов Г. Приготовление пороха бухарцами // Артиллерийский журнал. – СПб., 1870. – №6.

очерки (Очерк Бухарского ханства)⁴⁹ ва П.П.Шубинскийнинг Бухоро очерклари⁵⁰ асарлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу даврда В.А.Уляницкийнинг “XVI–XVII асрларда Россия, Ҳиндистон ва Ўрта Осиё муносабатлари” каби бир қанча махсус тадқиқотлар, Н.Ф.Ситняковскийнинг асарлари нашр этилди⁵¹.

Бухоро тарихини ўрганишда Шарқ муаррихлари, биринчи навбатда, академик В.В.Бартольд сезиларли ютуқларга эришди. У бирламчи манбаларни ўрганиб, Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро шаҳрида содир бўлган тарихий воқеаларнинг кетма-кетлиги ва моҳиятини аниқлади. У Ўрта Осиё тарихий тараққиёти ва шаҳар маданиятининг энг типик ҳамда ифодали хусусиятларини акс эттирувчи Ўрта Осиёнинг энг муҳим шаҳарларидан бири тарихини кейинги тадқиқ этиш учун мустаҳкам замин яратди. Шарқшунос олимларнинг бирламчи манбаларни ўрганиши шаҳарлар, биринчи навбатда, Бухоро ҳақидаги тарихий маълумотларнинг тўпланишини таъминлади, бу эса ҳар доим бошқа шаҳарларга қараганда тадқиқотчилар эътиборини кўпроқ ўзига тортди. В.В.Бартольднинг кўпгина асарларида Ўрта Осиё шаҳарларига оид турли маълумотлар мавжуд. 1913 йилда нашр этилган “Ислом энциклопедияси”да В.В.Бартольднинг Бухоро тарихига оид махсус мақоласи босилган эди⁵².

XIX аср охиридан бошлаб тарихий манбалар шаҳарларнинг ўтмишини тавсифловчи археологик материаллар билан тўлдирилди. Айни вақтда, В. Жуковскийнинг Марв шаҳри тарихига бағишланган махсус асари пайдо бўлди. Унда мазкур шаҳар тарихига оид археологик тадқиқотлар натижалари ва ёзма манбаларда учрайдиган Марв ҳақидаги қизиқарли маълумотлар келтирилган⁵³.

1917 йилдаги Октябрь воқеаларигача бўлган даврда Бухоро тарихини ўрганиш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинар экан, натижа юқори эмаслигини алоҳида қайд этиш керак⁵⁴. Чунки, ушбу даврда шаҳар ва унинг аҳолиси ҳаётини бевосита ўрганишга асосланган бирорта ҳам йирик асар яратилмаган эди⁵⁵. Мавжуд адабиётлар маълум бир илмий изланишлар билан бойий бошлаган бўлса-да, ушбу асарларда қуйи Зарафшон халқларининг моддий маданиятига оид тадқиқотлар мавжуд эмаслиги аён бўлади.

⁴⁹ Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. – Вып. V.

⁵⁰ Исторический вестник. – СПб., 1892. – Вып. VII–X.

⁵¹ Работа В. А. Уляницкого издана в “Чтениях в Императорском обществе истории древностей Российских” – М., 1889. Кн. 3; Ситняковский Н. Ф. Заметки о бухарской части долины Зеравшана / Известия Туркестанского отделения РГО. – Ташкент, 1889. Т. 1; – 1900. Т II; Ўша муаллиф: Попытка к исчислению народонаселения в г. Бухаре / Протоколы ТОРГО (Туркестанского отделения Русского географического общества) от 28. 11. 1898 г. – Ташкент, 1898; Ўша муаллиф: Бухарские святыни, мазар Бугаутдин / Протоколы туркестанского кружка любителей археологии (далее – ТКЛА). – Ташкент, 1890. – Вып. V.

⁵² Barthold W. W. Bukhara / Enziklopaedie des Islam. – Leiden-Leipzig, 1913.

⁵³ Жуковский В. В. Развалины старого Мерва // Материалы по археологии России. – М., 1896. – №16.

⁵⁴ Ўша жойда.

⁵⁵ Сухарева О. А. Бухара – конца XIX – начала XX вв.... – С. 12–13.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сухарева О. А. Бухара конца XIX – начала XX вв. (Позднефеодальный город). – М.: Наука, 1966. – С. 3.
2. Путешествие господина Антония Дженкинсона из города Москвы в Россию до города Бухары в Бактрии в 1558 г., описанное им самим для лондонских купцов Московской компании / Сборник “Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. – Л., 1932.
3. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию / В кн. “Английские путешественники в Московском государстве в XVI в”. – Л.: ОГИЗ, 1559. – С. 193.
4. Ефремов Ф. Десятилетнее странствование. – М.: Географиз, 1950; Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – М.: Наука, 1968.
5. Сухарева О. А. Вопросы изучения костюма народов Средней Азии / Сборник “Костюм народов Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 4.
6. Путешествие от сибирской линии до города Бухары в 1794 и обратно в 1795 г. // Сибирский вестник. – 1818. Ч. 1.
7. Азиатский вестник. – 1825. – №1–6.
8. Var. Meyendorff, Voyage d’Orenburg a Bukhara fait en 1820. – Paris, 1826.
9. Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С. 147–148.
10. Яковлев П. Л. Очерки путешествия – Благонамеренный. – СПб., 1824. – Вып. XXI; Ёша муаллиф: Замечания на факты. Некоторые сведения о Бухарии, напечатанные в “Отечественных занисях” г. // Сибирский вестник. – СПб., 1824. Ч. 1. – С. 50–52.
11. Русские в Бухаре в 1820 г. (записки очевидца) // Оренбургские ведомости. – 1870. – №24, 25, 26, 28, 30, 31; Справочная книжка Оренбургского края на 1871 г.
12. Ed. Eversman. Reise von Orenburg nach Bukhara. –Berlin, 1823.
13. Burns Alexander. Travels into Bokhara. – London, 1839.
14. Борнс А. Путешествие в Бухару. – М., 1848–1849. Ч. III. – С. 393, 410.
15. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 92.
16. Григорьев В. Записки Мирзы Шемса Бухари / Ученые записки Казанского университета. – Казань, 1861. – С. 93.
17. Чабров Г. Н. Поездка в Бухару переводчика П. И. Демезона (1833–1834 гг.) // Труды САГУ. – Ташкент, 1957. – Вып. XCIV.
18. Соловьев М. Экспедиция в Бухару в 1841–1842 гг. при участии натуралиста А. Лемана. – М–Л., 1936. – С. 78–81.
19. Ханыков Н. Городское управление в Средней Азии // Журнал Министерства иностранных дел. – 1844. – Книжка 5.
20. Alexander Lehman, Reise von Orenburg nach Bukhara, – Petersburg, 1842, Была опубликована заметка “О трудах Лемана в связи с работами других

- исследователей Оренбургского края и соседних с ним стран Азии / Географические известия”. – СПб., 1850. Соловьев М. Экспедиция в Бухару в 1841–1842 гг. при участии натуралиста А. Лемана. – М–Л., 1936
21. Залесов Г, Посольство в Бухару полковника Игнатъева в 1858 г. // Русский вестник. – 1871. Т. 91. – №2–3 Игнатъев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. флигель-адъютанта полковника Н. Игнатъева. – СПб., 1897.
 22. Бартольд В. В. История изучения Востока в Европе и в России. – Л., 1925. – С. 225.
 23. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865; Очерки Средней Азии. – М., 1868; Очерк жизни в Бухаре. Палатка и ее обитатели // Литературная библиотека. – 1866. – №1–2.
 24. Путешествие по Средней Азии. Описание поездки из Тегерана через Туркменскую степь по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, совершенный в 1863 году Арминием Вамбери, членом Венгерской Академии. С картою Средней Азии / Перевод с английского. – СПб., 1865.
 25. Прдисл. В.А Ромодина Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – С. 301-303. Известия Русского Географического общества. IV. – СПб., 1868. – С. 305–308; Голубов Г. Под чужим именем // Вокруг света. – М., 1955. – №10. – С. 27–32; Дьяконов М. А. Путешествие в Среднюю Азию от древнейших времен до наших дней. – Л., 1932.
 26. Вамбери А. Очерки Средней Азии (Прибавления к “Путешествию по Средней Азии”). – М., 1868; Vambéry H. Sketches of Central Asia. – L., 1868.
 27. Reise in Mittelasien von Teheran durch die turkmenische Wüste an der Ostküste des Kaspischen Meeres nach Chiwa, Bochara und Samarkand von Hermann Vambéry, ordentlicher Professor der orientalischen Sprachen an der königlichen Universität zu Pest. Mit zwölf Abbildungen in Holzschnitt und einer lithographierten Karte. Deutsche Originalausgabe. Zweite vermehrte und verbesserte Auflage. Lpz., 1873.
 28. Позднее эта статья вышла на русском языке Радлов В. В. Средняя Зерафшанская долина Записки Русского Географического общества по отделу этнографии TVI. – СПб., 1880. – С. 1–92.
 29. Демезон П. И. Таковы были Александр Леман, Юлиус Клапрот – ученый лингвист, работавший в России в 20-х годах XIX в. – СПб., 1856. – 125 с.
 30. Завьялов В. В. Об источниках и пособиях для изучения Оренбургского края и посредственных земель Средней Азии // Оренбургские губернские ведомости. – 1853. – №1; Исторический обзор путешествия в Бухарию // Оренбургские губернские ведомости. – 1854. – №20.
 31. Небольсин П. И. Очерки торговли России со Средней Азией / Записки РГО (Русского географического общества). Кн. X. – 1865; Ценность

- разных товаров в Бухаре // Санкт-Петербургские ведомости. – СПб., 1850; Заметки о Бухаре и ее торговле с Россией // Современник. – 1864. – №XI–XII.
32. Дониёров, А. (2003). Этнографические исследования в Узбекистане в XX веке: основные этапы, проблемы, перспективы развития. Автореф. дисс.... докт. ист. наук.
33. Doniyorov, A., & Karimov, N. R. (2024). *Uzbekistan's Journey: Transition from Soviet Republic to Independent Nation*.
34. Ochilova K., Doniyorov A., and et.al. Integrating environmental sustainability into educational innovation for eco-literate and climate-resilient learning systems // *Acta Innovations*. 2025. P. 22–30.
35. Alisher Doniyorov et al. (2025). Design and Optimization of Antenna Systems for Campus Wi-Fi Infrastructure: A Study for Educational Environments. *National Journal of Antennas and Propagation*, 7(1), 77-82.
36. Alisher Doniyorov et al. (2025). Integrating Advanced Antenna Technologies into Educational Environments for Enhanced Data Transfer and Communication. *National Journal of Antennas and Propagation*, 7(1), 70-76.
37. Алишер Дониёров. (2025). Қўйи Зарафшон водийси моддий маданияти тарихини ўрганиш: илмий тадқиқотлар ва ёндашувлар. “XXI asr: fan va ta’lim masalalari” ilmiy elektron jurnali, 3, 356–370.
38. Abdurasulov, S., & Doniyorov, A. (2025). *Markaziy Osiyo tasavvuf tarixining nemis olimi Yurgen Paul tomonidan tadqiqi: Naqshbandiyya misolida*. “XXI asr: fan va ta’lim masalalari” ilmiy elektron jurnali, 3, 307–321.
39. Doniyorov, A., Khaydarov, I., Alimova, R., Asadova, S., Askarov, M., & Odilov, B. A. (2023). Historical roots of interethnic harmony and tolerance in Uzbekistan. *Journal of Law and Sustainable Development*, 11(12), e2535-e2535.
40. Khudoyberdiyevich, D. A. (2018). On general methodological, ethnopolitical, and ethnocultural aspects of “Diaspora issues” (To the theoretical formulation of the problem and the ways of its practical solution). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 8(11), 68-74.
41. Doniyorov, A., & Karimov, N. (2020). An incomparable book by a great scholar. *Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research*, (8), 63-71.
42. Doniyorov, A. K., & Abirov, V. E. (2022). Theoretical Conceptual Views on The Emergence of the Nation in World Historiography. *Current Research Journal of History (ISSN –2767-472X) Volume 03 Issue 10 – P 1-7*.